

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

2022 йил 01 *Февраль*

110098-сонли

Денов тумани

Денов туман электр таъминоти корхонаси (кейинги ўринларда “Корхона” (энергия билан таъминловчи ташкилот номи) деб юритилади) нинг низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари И.Кароматов бир тарафдан (энергия таъминоти ташкилоти раҳбарининг Ф.И.Ш.) ва Узун давлат урмон хуҗалиги (Энергия истеъмолчисининг номи)(кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилади) нинг низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари А.Т.Одилов иккинчи тарафдан қуидагилар ҳакида туздилар:

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартнома билан Корхона туташтирилган тармоқ орқали Истеъмолчига электр энергияси (кейинги ўринларда “Энергия” деб юритилади) бериб туриш мажбуриятини, Истеъмолчи эса қабул қилинган Энергия ҳакини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Уланган куввати 750 кВА ва ундан катта бўлган саноат ва уларга тенглаштирилган Истеъмолчилар олинган Энергиядан ташқари, яна талаб этилган ҳар бир кВт ёки ягона электр энергияси тизимининг юкламали соатларида қатнашувчи ҳакиқий максимал кувват (кейинчалик “Кувват”) учун ҳақ тўлайди.

II. ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ

2.1 Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми 88.0 кВт.с. ни ташкил қиласди.*

2.2 Шартнома тузилган кунида етказиб бериладиган Энергиянинг умумий нархи 39600000 сўмни (ўттиз тўккиз миллион олти юз минг сум), Кувватнинг нархи 450 сўмни (амалда бўлган тариф асосида) ташкил қиласди.*

2.3 Корхона Истеъмолчига Энергияни (Кувватни) ушбу шартноманинг 1-илласида кўрсатилган микдорда етказиб беради.*

2.4 Корхона томонидан Истеъмолчига етказиб берилган Энергия (Кувват) микдори Энергияни (Кувватни) ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича аниқланади (2-илюва).

Ҳисобга олиш приборлари, шунингдек Корхона билан Истеъмолчиларнинг ҳисобкитоб қилишига мўлжалланган Энергия ва Кувватни ҳисобга олишнинг бошқа воситалари Корхонанинг Энергия истеъмолини автоматлаштирилган ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизими билан мос келиши, Истеъмолчининг ҳисобидан сотиб олиниши, давлат қиёсловидан ўтиши ва ўрнатилиши, бундан кейин эса Корхона вакили томонидан рўйхатта олиниши ва тамғаланиши керак.

2.5 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сонли карорининг 1-илласидаги Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган Истеъмолчилар учун Энергия таъминотининг йиллик минимал ҳажми 88.0 кВт.с.ни ташкил қиласди.

III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

* Изоҳ: Бюджет маблаглари бўйича йиллик харажатлар сметаси тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилинга қадар, вактинчалик харажатлар сметаларида белгиланган маблаглар доирасидаги сумма ва микдорлар кўрсатилади.

3.1 Етказиб берилган Энергия ва Кувват учун ҳисоб-китоб даври бир ой.

3.2 Корхона ва Истеъмолчи ўртасида ҳисоб-китоб қилиш учун актив ва реактив энергия, шунингдек Кувватнинг ҳисобга олиниши электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида амалга оширилади (3-илова)

Агар Энергияни (Кувватни) ҳисобга олиш прибори баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойигача бўлган участкадаги Энергиянинг технологик сарфининг хажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли билан далолатнома тузилган ҳолда (4-илова) аниқланади ва ҳақ тўлашда ушбу электр тармоғининг баланс бўйича мансублигига қараб, Корхона ва Истеъмолчи ҳисобига ўтказилади.

3.3 Корхона Истеъмолчи билан биргаликда ҳар ойда энергия ва қувватнинг ҳақиқий сарфини аниқлаш учун ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзib олади.

3.4 Истеъмолчи келгуси ҳисоб-китоб даврига у бошланишидан олдин Энергия ва Кувватнинг шартномавий хажми нархини 100 фоизи микдорида олдиндан тўловни амалга ошириши шарт.

Истеъмолчи ҳисоб-китоб даврида ҳақиқий истеъмол қилган Энергия ва Кувват учун шартнома шартларидан келиб чиқсан ҳолда ҳисоб-китоб қиласида тўлиқ тўловларни навбатдаги ой бошлангунга қадар амалга оширади.

Истеъмол қилинган Энергия ва Кувват учун Истеъмолчининг қарздорлиги, шартномада белгиланган микдордан кўп истеъмол қилингандиги учун жарима ва пеня мавжуд бўлса, олдиндан тўлов сифатида ўтказилган маблағлари қарздорликни туттишига йўналтирилади ва олдиндан тўлов сифатида ҳисобга олинмайди.

3.5 Корхона ҳар ойнинг 25 санасигача Истеъмолчи билан биргаликда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзib олиш билан бир вақтда, ҳисоблагичларнинг тартиб рақамларини ҳамда амалда истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда ҳисботни расмийлаштиради (5-илова).

Ҳисбот асосида Корхона тегишли ҳисоб-китобни амалга оширади (6-илова) ва Истеъмолчи ҳисоб-фактуруни олади.

Истеъмолчидан турли тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта обьект мавжуд бўлган тақдирда ҳисоб-китоблар ҳар бир обьект бўйича кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

Ҳисоб-китоб асосида амалга оширилган тўловларни ҳисобга олганда Истеъмолчининг қарздорлиги аниқланса, Корхона хизмат кўрсатувчи банк орқали тўловни амалга ошириши учун акцепт билан тўлов талабномаси беради.

3.6 Истеъмолчи томонидан Энергия (Кувват) истеъмоли ҳақида ҳисбот тақдим этилмаса ёки ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари ёзib олинмаса, Корхона томонидан ҳисоб-китоблар истеъмолнинг шартномавий микдори бўйича, кейинчалик Истеъмолчи билан бирга аниқланган ҳақиқий истеъмол қилинган Энергия учун қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда, амалга оширилади. Бунда, Корхона хизмат кўрсатувчи банкка белгиланган тартибда тўлов талабномаси ва ҳисоб-фактуруни тақдим этади.

3.7 Актив ва реактив Энергия (Кувват) учун ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли карори билан тасдиқланган Электр энергияси истеъмолчилари ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги Низомга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Электр энергия тарифларига мувофиқ амалга оширилади.

3.8 Тарифлар ўзгарганида Истеъмолчи етказиб берилаётган Энергия ва Кувват учун янги тариф киритилган кундан бошлаб янги тариф бўйича ҳақ тўлаши керак.

Таърифлар ўзгарганда “Корхона” бюджетдан маблағ олувчини хабардор қилиши ва томонлар янги таърифлар бўйича қўшимча келишув тузишлари лозим. Қўшимча келишув тегишли Газначилик бўлинмасида ўрнатилганда тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг, янги таърифлар бўйича ҳақ тўланади.

Бунда, Истеъмолчи тариф ошган вазиятда тўлов кунидан бошлаб кейинги 12 ойдан ошмаган муддатта олдиндан тўланган Энергия миқдорига қўшимча ҳақ тўлашдан озод этилади.

3.9 Энергия (Кувват) учун Корхона ва Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китоблар Истеъмолчи томонидан Корхонанинг ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиши йўли билан амалга оширилади.

3.10 Агар Истеъмолчи Энергиянинг бир қисмини субистеъмолчига бир ставкали тариф бўйича етказиб берса, у Корхонага ушбу субистеъмолчиларнинг энергетика тизимининг энг катта юкламасида қатнашувчи юкламаси қийматига камайтирилган Кувват миқдори учун ҳақ тўлайди.

3.11 Реактив Энергия (Кувват)ни ўрнини тўлдириш учун чегирмалар (устамалар) битта ҳисобга олиш нуктаси бўйича ўртача ойлик Энергияси истеъмоли 15 минг кВт.соатдан ортиқ бўлган саноат истеъмолчилари ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар, электрлаштирилган (электр энергияси билан юрадиган) темир йўл, шаҳар транспорти, қишлоқ хўжалиги истеъмолчиларига нисбатан амалга оширилади.

3.12 Корхона ва Истеъмолчи ҳар ойда навбатдаги ҳисоб-китоб даври бошланиши ҳолатига ўзаро солишиширув далолатномасини тузади.

3.13 Энергия (Кувват) истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг Автоматлаштирилган тизимида уланган Истеъмолчиларга Энергия (Кувват) етказиб бериш олдиндан тўланган ҳақ доирасида амалга оширилади.

3.14 Истеъмолчининг айби билан Энергия ушбу шартномада талаб этилган ҳажмдан кам истеъмол қилинса, олдиндан тўланган маблағлар қайтарилмайди ва кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.15 Ҳисобга олиш прибори Истеъмолчининг айби билан бузилган (пломбаси бузилган, ойнаси синган ва шу кабилар) ҳисобга олиш приборини ишга тушириш схемаси ўзгарган, ҳисобга олиш приборидан ташқари электр қабул қилгичлар уланган ёки Энергия бошқача усулда ўғирланган ҳолларда, биргаликда икки томонлама далолатнома расмийлаштирилади ва шу асосда Корхона Истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўйиш хукукига эга. Далолатнома асосида ҳисобга олиш приборлари охирги марта ўзгартирилган ёки уларни улаш схемаси текширилган кундан бошлаб бутун ўтган, аммо даъво муддатидан кўп бўлмаган, давр учун электр қабул қилгичларнинг уланган қуввати ва Истеъмолчининг

4-иловада кўрсатилган ишлаш соатлари бўйича Энергия сарфи қайта ҳисоблаб чиқилиши шарт.

Корхона 3 иш куни мобайнида Истеъмолчига тўлаш учун қўшимча тўлов хужжати ёзib беради, шунингдек хизмат кўрсатувчи банкка тўлов хужжатларини тақдим қиласди.

Истеъмолчи қўшимча тўлов хужжати бўйича тўловни 10 кун муддатда амалга оширмаса, Корхона кўрсатилган суммани мажбурий тартибда қонун асосида ундириш чораларини кўради.

Ҳисобга олиш прибори кўрсаткичини ёзib олиш улаш схемасини текшириш деб ҳисобланмайди.

IV. ЭНЕРГИЯНИ ЧЕКЛАШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИЛИШНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

4.1 Истеъмолчи томонидан Корхона билан биргаликда, Энергияни чеклаш ва узиб кўйиш жадваллари ягона электр энергетикаси тизимида Энергия ва Кувват танқислиги ҳолларида ягона электр энергетикаси тизимининг барқарор параллел ишланини таъминлаш, авариялар юзага келишининг олдини олиш ҳамда истеъмолчиларнинг тартибсиз узиб кўйилишини бартараф этиш учун чеклаш ва узиб кўйиш жадваллари ишлаб чиқилади.

Узиб кўйиш жадваллари Истеъмочи томонидан Корхона вакилларидан узиб кўйиш жадваллари жорий этилиши тўғрисидаги билдиришнома олингандан кейин дарҳол амалга киритилади.

Ушбу билдиришнома Истеъмолчи томонидан бажарилмаганда, Корхона Истеъмолчини огохлантиргандан кейин Энергия ва Кувват истеъмолининг белгиланган даражада камайишини таъминловчи миқдорда Энергия бўйича мажбурий равишда чеклайди.

4.2 Электр тармоғи хўжалиги объектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлиқ кечикириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарур бўлганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огохлантирмасдан, бироқ уни дарҳол хабардор қилган ҳолда, Энергия узатишда узиб кўйиш ёки чеклашларга рухсат этилади.

4.3 Куйидаги ҳолларда Корхона Истеъмолчига Энергиянинг етказиб берилишини тўхтатиш ва узиб кўйиш оқибатлари учун жавоб бермаслик ҳукукига эга:

- а) Энергия (Кувват) шартномавий миқдордан кўп сарфланганида ёки Энергия (Кувват) истеъмолининг белгиланган режими бузилганда;
- б) электр таъминоти шартномасини тузмасдан Энергия истеъмол қилинганда;
- в) “Ўзстандарт” агентлиги томонидан қиёслашдан ўтказилган Энергияни хисобга олиш приборлари бўлмаганда;
- г) Энергия (Кувват) учун шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлов тўланмаганда;
- д) Корхона тармоқларига электр қабул қилгичлар ўзбошимчалик билан уланганда ёки Кувват шартномада белгиланган миқдордан ошириб юборилганда;
- е) электр қабул қилгичлар хисобга олиш приборларидан ташқари уланганда ёки Энергияни хисобга олиш схемаси бузилганда, шу жумладан хисобга олиш приборларининг ва ўлчаш трансформаторларининг пломбалари бузилганда;
- ж) Корхона вакили хисобга олиш приборларини кўришга кўйилмаганда.

4.4 Электр манбаидан узиб кўйилиши техноген ва авария оқибатларига олиб келадиган, ўта хавфли ва узлуксиз технологик жараёнли (махсус тартибда Энергия етказиб бериладиган корхоналар рўйхатига киритилганлар) саноат корхоналарида қарздорлик пайдо бўлган тақдирда хақ тўланмаганилиги учун Энергия етказиб беришни чеклаш, белгиланган тартибда, электр таъминотининг технологик ва авария бронигача, тўлиқ узиб кўйиш эса – факт суд қарорига кўра амалга оширилади.

4.5 Барча юкорида кўрсатиб ўтилган вазиятларда ягона электр энергетика тизими электр тармоқларига кайта улаш ва Энергия етказиб берилишини тиклаш ишлари Истеъмолчи томонидан шу билан боғлиқ харажатлар қопланганидан кейин навбат билан амалга оширилади.

V. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 Истеъмолчининг ҳукуклари:

- а) Корхона томонидан шартномавий мажбуриятларнинг шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажарилишини талаб қилиш;

- б) Энергияни электр тармокларининг бўлиниш чегарасига шартномада кўрсатилган миқдорда етказиб бериши талаб қилиш;
- в) электр тармокларининг баланс бўйича мансублик чегарасида Энергиянинг сифат кўрсаткичларини давлат стандартларида белгиланган даражада саклашни талаб қилиш;
- г) Корхонанинг электр тармоғи хўжалиги объектларини режали таъмирланиши туфайли Энергия билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида узид кўйишгача камидаги 3 сутка олдин огохлантириши талаб қилиш;
- д) Энергиянинг тегишли миқдори учун олдиндан тўлов амалга оширилган тақдирда Энергиянинг шартномавий миқдорини ўзгартириши талаб қилиш;
- е) Олдиндан ҳак тўланганлигидан қатъий назар Энергиянинг шартномавий ҳажмини камайтириш томонига ўзгартириши талаб қилиш.

Бундай талабномалар назарда тутилаётган ўзгартиришлардан (жорий ой тугашидан) 10 кундан кечикмай берилиши лозим.

5.2 Истеъмолчининг мажбуриятлари:

- а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;
- б) келгуси хисоб-китоб ойи учун Энергия (Кувват) ҳажмига шартномада белгиланган муддатда ҳак тўлаш;
- в) Электр курилмаларини зарур техник холатини ва Истеъмолчиларнинг электр курилмаларини эксплуатация қилишда Хавфсизлик техникаси коидаларига риоя килиниши ҳамда Энергиядан оқилона фойдаланишини таъминлаш;
- г) 7-иловага мувофиқ компенсация курилмалари иш режимида (реактив энергия ва қувват истеъмоли) риоя қилиш;
- д) энергетика тизимининг энг катта юкламали соатларида талаб этилган Кувватдан ошмаслик.

Истеъмолчи Корхонанинг талабига кўра қўйидагиларни хисобга олиши ва хабар қилиши шарт:

- истеъмол қилинаётган Энергиянинг (Кувватнинг) суткалик, ойлик сарфлари ва ҳақиқий миқдорини;
- ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврида реактив энергиянинг (куватнинг) ҳар суткали сарфи;
- ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламасининг ўтиш даврида Энергиянинг (Кувватнинг) ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

5.3 Корхона қўйидаги хукуқларга эга:

- а) шартномада белгиланган тартибда ва керакли ҳажмда шартномада мажбуриятлари бажарилишини талаб қилиш;
- б) хисоб-китоб даврининг ҳар қайси кунига ўзаро хисоб-китоблар солиширув далолатномасини тузиш.

5.4 Корхонанинг мажбуриятлари:

- а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;
- б) Энергияни шартномада белгиланган ҳажмда электр тармокларининг баланс мансублиги чегарасигача узлуксиз етказиб бериш;
- в) Истеъмолчиларга Энергияни етказиб беришининг тўхтатиб турилиши ва бунинг сабаблари тўғрисида маълум қилиш;
- г) жорий этиладиган чеклашлар ҳакида, чеклашнинг ҳажми ва вактини кўрсаттан ҳолда, ўз вактида хабар қилиш;
- д) Истеъмолчиларнинг Энергия керакли миқдорда етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар ҳакидаги аризаларини олинган кундан бошлаб

үн кундан кечиктирилганда кўриб чикиш, уларни бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориши;

е) Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ 5 кун муддатда ойлик шартномавий микдорга ўзгартиришлар киритиш, Энергиянинг ойлик шартномавий микдорини кўпайтириш (камайтириш), имконияти бўлмаган тақдирда эса бу тўғрисида Истеъмолчига рад этишининг сабабини кўрсатган ҳолда ёзма шаклда хабар килиш.

VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА ФОРС-МАЖОР

6.1 Шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида етказилган ҳақиқий заарар айбор тараф томонидан иккинчи тарафга тўланиши шарт.

6.2 Энергияни етказиб бериш муддатлари ўтказиб юборилса ёки Энергия шартнома микдорининг 5 фоизидан ортиқ микдорда етказиб берилмаса, Корхона ҳар бир муддати ўтказиб юборилган кун учун Истеъмолчига бажарилмаган мажбуриятлари суммасининг 0,1 фоизи микдорида пеня тўлайди, лекин пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган Энергия нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўланиши Корхонани шартнома шартларини керакли ҳажмда бажаришдан ва етказиб бериш муддатининг узайтирилиши ёки Энергиянинг керакли ҳажмда етказиб берилмаслиги натижасида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

6.3 Етказиб берилган Энергия учун ўз вақтида ҳақ тўламаса, Истеъмолчи Корхонага муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0,1 фоизи (Энергия маҳсус тартибда етказиб берилувчи корхоналар учун 0,2 фоиз) микдорида пеня тўлайди. Бунда, пенянинг умумий суммаси муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня хисоб-китоб давридан кейинги ойнинг тугаганидан кейин бошлаб хисобланади.

6.4 Истеъмолчи хисобот даврида шартномада кўрсатилган микдорга нисбатан 5 фоиздан ортиқ Энергия истеъмол қилганда, хисоб-китоб даври учун шартномада кўрсатилгандан ортиқ истеъмол қилинган жами ҳажм учун белгиланган тарифнинг 50 фоизи микдорида Корхона фойдасига жарима тўлайди (6.5-бандда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно).

6.5 Ушбу шартномада белгиланган Энергиянинг тегишли ҳажми учун олдиндан тўловни амалга ошириш шарти билан Истеъмолчининг таклифи бўйича хисоб-китоб даври тугашидан 10 кун олдиндан кечиктирилган Энергиянинг шартномавий ҳажмларига киритилган ўзгартиришлар шартномада белгиланган ҳажмдан кўп истеъмолга кирмайди.

6.6 Корхона:

а) Истеъмолчи Энергия истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, Энергия истеъмоли ёки Кувватининг шартномавий микдоридан ошиб кетишига йўл қўйган, Корхонаси томонидан белгиланган Энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаган суткаларда паст сифатли Энергия етказиб берилганини учун;

б) захира манбани автоматик улаш, автоматик қайта улаш ва автоматик давр-тезликли ўчиришларнинг ишлаш вақтида Энергияни етказиб беришдаги танаффуслар учун Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

6.7 Истеъмолчининг ягона электр энергетика тизимининг энг катта кучланишли соатларида амалдаги юкламаси шартномада назарда тутилган кўрсаткичдан 5 фоиздан ортиқ бўлган тақдирда, хисоб-китоб даврининг охирида амалдаги юкламанинг ортиқча бутун кисми учун қайта хисоб-китоб қилинади ва белгиланган тарифнинг 50 фоизи микдорида кўшимча ҳақ ундирилади.

Кўшимча Кувватга ҳақ тўланиши келгусида ҳар бир аниқ вазият учун Корхонадан тегишли рухсат олмасдан ушбу шартномада талаб этилганидан ортиқ Кувватдан фойдаланиш хукукини бермайди.

6.8 Тарафлар шартномани форс-мажор ҳолатлари, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, кургокчилик, сув тошкени, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайдилар.

VII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши куршиш тўғрисидаги қонун хужжатларининг талаблари га зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора беришни таклиф қилмайди, товламачилик қилмайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора яъни ҳодими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир етиши ёки содир етмаслиги шартлиги учун моддий кимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатлатга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

7.2. Ушбу шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан ҳал етилади. Келишувга еришилмаган тақдирда еса низолар белгиланган тартибда иқтисодий судлар орқали ҳал етилади.

7.3. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳакиқий ҳисобланади.

7.4. Ушбу шартнома икки нусхада тузилди ва тенг хукукий кучга ега.

7.5. Шартнома томонлар ўртасида имзоланган ва агар “Истемолчи” бюджет тешкилоти бўлса, бунга кўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг хукукий ғазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан кучга киради ва 2022-йил 31-декабргача амал қиласди.

VIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

8.1 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга кирган ҳисобланади. (Бюджет ташкилотлари учун Фазначилик бўлинмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли карорига мувофиқ, мажбурий рўйхатта олинган кундан бошлаб кучга киради)

8.2 Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

8.3 Шартнома бир йил муддатга тузилади. Шартномани амал қилиш муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳакида ариза бермаса, у шартномада назарда тутилган муддаттага ва шартларда узайтирилган ҳисобланади. Бундай ариза шартнома амал қилиш муддатининг охирги ойи мобайнида тақдим қилиниши лозим.

Шартнома янги муддатга узайтирилганида унинг шартлари тарафлар келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

Мазкур шартнома “31” декабрь 2022 йилгача амал қиласди.

8.4 Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга фақат қонун хужжатларида назарда тутилган холларда йўл қўйилади.

8.5 Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Электр энергетикаси тўғрисида”ги Конунининг қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

8.6. Ушбу шартнома бўйича низолар келиб чиқсан тақдирда, тарафлар, қоидага кўра, уларни иктиносид юзаро ҳал этиш чора-тадбирлар кўрилади.

Тарафлар ўртасида ўзаро ҳал қилинмаган низолар конунчиликда ўрнатилган тартибида суд тартибида ҳал қилинади.

IX. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Корхона»

Денов электр тармоклари корхонаси

Почта манзили: Денов туман

Актив энергии учун X/P:22636000500427199400

Пеня перебор X/P:

Қайта тўлов учун X/P:

МФО: 01045 ИНН: 200475661 Телефонлар: 48-743-12, Факс: 48-743-10

Статистик кодлар:

ДБИБТ(СООГУ) 01013


МИОБТ(СОАТО) 1722217

ОКОНХ



Сана Ф.И.Ш. имзо

Жуфт



Ўз.Р. М.Х. ролик кодекси ва хўжалик юритувчи субъектларниң шартномавий хукукий базаси таърихи юзни конун галабларига масъелади, натижади ушбу шартномани низолари бўлади деб холоса килинади

Хурматли У. Чирнов

«Истеъмолчи»

Узун давлат урмон хужалиги

Манзил: Сариосиё тумани Афросиёб маҳалласи

Тел./факс 764874341

ИНН 201467250

ШХВ 400121860222177042203142001

ОКОНХ 02100

Банк номи: Тошкент ш. ХККМ

МФО: 00014 ИНН: 201122919

х/р: 23402000300100001010

Молия вазирлиги Газначидиги

Рахбар



Х.И. Одилов

(Ф.И.Ш.)

M.Y.

Етказиб берилаётган Энергия (Кувват)нинг миқдори

1. Тариф гурухи II
2. Фаолият тури урмон хужалиги
3. Истемолчининг электр қурилмаларини уланган қуввати: 50 кВА, (кВт)
4. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиха бўйича):160
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича амалдаги тоифаси: IV

	Талаб этилган Кувват, кВт	Энергия миқдори, минг кВт.с	Жумладан тариф гурухлари бўйича				
			1	2	3	4	5
Йил, жами	39600000	88.0					
I чорак	1350000	3					
Январ							
Феврал	675000	1.5					
Март	675000	1.5					
II чорак	14400000	32					
Апрел	3600000	8					
Май	5400000	12					
Июн	5400000	12					
III чорак	21150000	47					
Июл	7200000	16					
Август	7200000	16					
Сентябр	6750000	15					
IV чорак	2700000	6					
Октябр	900000	2					
Ноябр	900000	2					
Декабр	900000	2					

2-устун Икки ставкали истемолчилар томонидан тўлдирилади.

Имзолар:



Истемолчи

М.У.



Корхона

М.У.

Электр таъминоти бўйича
намунашви шартномага
2-илова

Энергияни хисобга олиш приборларини ўрнатиш жойлари ва характеристикалари.

Истеъмолчи, субистеъмол -чининг хисобга олиш приборлари ни ўрнатиш жойлари. Тури ва кучланиши (кВ) кўрсатган ҳолда	Хисобг а олиш прибор- ларини нг тури (актив, реактив , (номина л ток)	Хисобга олиш прибор- ларининг тартиб раками	Хисобг а олиш прибор- ларидаг и клемма қопқоғи -нинг тамга раками	Ўлчов трансформа- торларининг ўзгариш коэффици- ентлари		Хисо б- лаш коэф ф-ти	Шартно- мани тузиш вақтида хисобга олиш прибор- ларининг кўрсатки ч-лари	Тариф 1кВт.с/сўм 1 кВАр.с/сўм	Истеъмол- чининг фаолият турининг соҳа бўйича коди
				To k	Кучл аниш				
Шит	EX-518		124200385521	105850	100/5 A	220/380 V	20	00003	450

Имзолар:



М.У.



М.У.

Электр таъминоти бўйича
намунаш ёштномага
З-илова

ДАЛОЛАТНОМА

хизмат кўрсатиш чегаралари ҳамда тармоклар ва электр жиҳозларининг экплуатация
ҳолати учун жавобгарликни белгилаш бўйича

1. Истъемолчининг балансида қўйидаги электр қурилмалар мавжуд:

а) хаво линиялари йўқ

б) кабел линиялари йўқ т

в) нимстанциялар, трансформатор нимстанциялари т

2. “Истъемолчи” ва “Корхона” ўртасидаги ажратиш чегараси электр қурилмаларининг
баланс мансублиги бўйича аниқланади: истемолчи учраган изолятор кесишуви
томонларни мансублик чегараси деб белгиланади

3. Улардан:

а) Кўйидагиларга «Истъемолчи» томонидан хизмат кўрсатилади Ажратиш черасидан
кейин

б) Кўйидагиларга Электр таъминоти корхонаси (ТЭТ) томонидан истъемолчи билан
шартнома бўйича хизмат кўрсатилади т

4. Электр қурилмаларининг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш учун жавобгарлик
чегаралари қўйидагича белгиланади: Ажратиш чегарисида ПЭТК кесиши истемолчи
жавобгар деб хисобланади

Имзолар:



Истъемолчи



Корхона

И. Гарасимов

Электр таъминоти бўйича
намунавий шартномага
4-илова

ДАЛОЛАТНОМА
энергия истрофларини аниқлаш бўйича

Энергияни ҳисобга олиш приборлари тармоқларнинг бўлиниш чегарасида ўрнатилмаган бўлса, энергия истрофлари ҳисоб-китоб йўли билан тармоқларнинг баланс мансублигини ҳисобга олган ҳолда аниқланади, бу:

а) 160 кВА кувватли трансформаторларда актив энергиянинг ҳар ойдаги истрофлари _____ кВт.соат ёки _____ фоизни, реактив энергиянинг истрофлари _____ кВАр.соат ёки _____ фоизни ташкил қиласди;

б) Истемолчининг кабел линияларида ҳар ойдаги истрофлар:

Узунлиги _____ м;

Кесими _____ мм;

Русуми _____;

Кучланиши 1кВ, _____ кВт.соат ёки _____ фоизни ташкил қиласди;

в) Истемолчининг ҳаво линияларида ҳар ойдаги истрофлар:

Узунлиги _____ м;

Кесими _____ мм;

Русуми _____;

Кучланиши 10кВ, _____ кВт.соатни ёки _____ фоизни ташкил қиласди;

Ойлик йўқотилиш миқдори ҳисбот давридаги энергия истемоли миқдорининг _____ фоизини ташкил этади.

Корхона бир кунда 8 соат бир ойда 30 кун ишлайди.

Сменалар бўйича юкламалар нисбати фоиз ҳисобида I ___, II ___, III ___

Имзолар:



Электр таъминоти бўйича
намунашви шартномага
5-илова

ХИСОБОТ

2022й. ойи учун электр энергияси (актив, реактив)
сарфланиши ҳақида.

Электр хисоблагич кўрсаткичини ёзиб олиш санаси 20 __ й. “__”

Хисоблагич- нинг русуми (актив, реактив), завод раками, Инвентар раками	Хисоблаш коэффициенти			Электр хисоблагич кўрсаткичлари		Сарф кВт.с, кВАр.с	Хисобга олинган максимал куват, кВт, кВАр
	Ток трансфор- матори- нинг (ТТ)	Кучла- ниш трансфор- матори- нинг (КТ)	Умумий коэффи- циент	Бошлан- гич	Охирги		
Хисобот	дааврида						
Жами							

Имзолар:



Истевмолгининг раҳбари Д. Абдулжониев (Ф.И.Ш.)



Хасауов А.

Бош энергетик Б. Рахматидинов (Ф.И.Ш.)

Электр таъминоти бўйича
намунавий шартномага
б-илова

Истемол қилинган Энергия (Кувват) учун ҳисоб-китоб
2022 йил январ ойи хисоби.

Истемолчи: Узун давлат урмон хужалиги

Шартноманинг тартиб рақами ва тузилган санаси

31.01.2022

110098

Манзил Сариосиё тумани Афросиёб маҳалласи

Тўловчининг х/р 400121860222177042203142001 СТИР 201467250

Тўловчининг банки Тошкент ш XKKM банк коди 00014

Олувчи: Денов ТЭТК

Олувчининг х/р 22636000500427199400 СТИР 200475661

Олувчининг банки СКБ Термиз банк коди 01045

Номи	Ўлчов бирлиги	Сарфи	Тарифи	Суммаси
Кўрсатилган кувват	кВт			
Амалдаги кувват	кВт			
Реактив кувват	кВАр			
Ҳисоблагич рақами №	кВт.с (кВАр.с)			
Истемолчининг электр узатиш линиясидаги Энергия исрофи	%			
Истемолчининг трансформаторларидағи Энергия исрофи	%	Хисобот		
Истемолчининг Жами Энергия исрофи	кВт. с	даврида		
Тарифлар бўйича ҳаммаси	кВт. с			
Амалдаги жами истемол	кВт. с			
Шартномавий миқдори	кВт. с			
Жарималар (белгиланганидан ортиқча, пенялар)	кВт. с			
- шу жумладан белгиланганидан ортиқча Энергия				
- шу жумладан белгиланганидан ортиқча Кувват				
шу жумладан Пенялар бўйича				
Жами жарималар бўйича тўлов учун	сўм			
Жами тақдим этилган	кВАр.ч.			
Иқтисодий қиймат	кВАр.ч.			
** Устмалар (чегирмалар)	кВАр.ч.			
Жами тўлов учун	сўм			
Сумма ҚҚС билан	сўм			
Шу жумладан ҚҚС	сўм			
учун олдиндан тўлов (ой)	сўм			
Жами тўлов учун	сўм			

Корхона хисобчиси

Юридик шахслар бўйича ишловчи мухандис

(Имзо. Ф.И.Ш) Ж.Мадборова

(Имзо. Ф.И.Ш) Й.Хасимов

Электр таъминоти бўйича
намунавий шартномага
7-илова

Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими
1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган куввати

Т/р	Компенсация қурилмаларининг турлари	Куввати	Уланиш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечкурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юкори, жумладан:				
1.1.	Автоматик ростлаш билан: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори,				
1.2.	Дастаки ростлаш билан: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори, Синхрон двигателлар -(СД), кВт				
2.	Сднинг реактив куввати, кВАр (Сднинг ўрнатилган кувватини 30 фоизи, кВт)				
3.	Жами (16.+36.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори.				
4.					

2. Энергетика тизимининг катта ва кичик юклама соатларида реактив Энергия ва Кувватнинг иқтисодий аҳамияти

Йил, ой	Энергетика тизимининг катта ва кичик юклама соатларида реактив энергиянинг иқтисодий қиймати (кВАр.соат)	Энергетика тизимининг катта ва кичик юклама соатларида реактив Кувватнинг иқтисодий қиймати (кВАр)	Энергетика тизимининг катта юклама соатлари	Энергетика тизимининг кичик юклама соатлари
Январ				
Феврал				
Март				
Апрел				
Май				
Июн				
Июл				
Август				
Сентябр				
Октябр				
Ноябр				
Декабр				

Энергетика тизимининг максимал актив юклама соатларида реактив кувват максимуминиң кайд этишига рухсат берилади.

Имзолар:

ИСТЕММОЛЧИ:



КОРХОНА:

И. Кафасалов

(М.Ү., имзо)

(М.Ү., имзо)

Электр таъминоти бўйича
намунавий шартномага
8-илова

ДАЛОЛАТНОМА

авария ва технологик бронни аниқлаш бўйича

Тузилди И.Кароматов

Истеъмолчининг вакили қатнашувида А.Т.Одилов

Энергетика тизимида узок муддатли ёки қисқа муддатли қувват танқислиги содир бўлганида Истеъмолчи қўйидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириш:

Т/р	Технологик бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юклама қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

* а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан узилади. Узилиши яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнгин, заҳарланиши ва бошқа бахтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) технологик бронга шунингдек авария бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар киради (2-бандга к.)

Технологик бронни чеклаш боскичлари:

I боскич _____ кВт

II боскич _____ кВт

III боскич _____ кВт

IV боскич _____ кВт

2. _____ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узилади

Т/р	Авария бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юклама қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

* а) Юклама остида узилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар ҳамда қўриқлаш ёритуви колади

б) авария бронига захира ёнгинга қарши насослар ва бошқа ёнгинга қарши агрегатлар тааллукли эмас (ушбу агрегатлар, керак бўлишига қараб, олдиндан Корхона билан келишилган холда рўйхатта киритилиши мумкин).

ИМЗОЛАР:



ИСТЕЬМОЛЧИ:



И. Кароматов

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**
№KE78331682

1.Loyihaning turi

Shartnoma

2.Loyihaning nomi

Budjet tashkilotlari uchun elektr energiya yetkazib berish shartnomasi

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Sariosiyo tuman Uzun davlat o'rmon xo'jaligi 31.01.2022 y.

Sariosiyo tuman Uzun davlat o'rmon xo'jaligi hamda Denov tuman elektr korxonasi o'rtasida ishlab chiqilgan “Budjet tashkilotlari uchun elektr energiya yetkazib berish shartnomasi” loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va ushbu loyihani qabul qilish maqsadga muvofiqdir.

Yuridik xizmat ko'rsatish markazi
bosh yuriskonsulti



M.G'opporova

31.01.2022